



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 17 июнь, № 127 (7629) Чоршанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИГА 1 ТРИЛЛИОН СЎМДАН ЗИЁД КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ АЖРАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 июнь куни хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталиб, охириги пайтда юртимизда бу касалликка чалинганлар сони ошгани, энг ёмони, аҳоли ўртасида ҳам қўллаб-қўллаб бераётганига эътибор қаратди.

Бўйича мунтазам тестдан ўтказиш муҳимлиги таъкидланди. Йиғилишда тегишли раҳбарлар жам бўлганидан фойдаланиб, галла ҳосили ўрими-йиғими ҳам тўхталиб ўтилди.

Масалан, ҳозирги кунда Тошкент шаҳри, Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларида ахборот технологиялари соҳасида йилига 50 минг доллар экспорт қилади-кан ва Top Talent рейтингининг энг юқори 3 фоизига қирадиган 21 та ёш фрилансер дастурчи бор.

Таъминлаш зарур. Шунингдек, 71 минг нафар талаба олий ўқув юртиларини битирди.

300 миллиард сўм кредит маблағлари ажратиш, Молия вазирлигига тадбиркорликни бошлаётган ишсиз фуқарога 3 ой мобайнида бино-иншоотнинг ижара тўлови учун субсидия бериш тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

— Буларнинг барчаси коронавирус билан боғлиқ вазият тобора мураккаб тус олаётганини кўрсатиб турибди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бугун пандемияга қарши курашишда хушёрлик ва масъулиятни ўн қарра оширадиган янги босқич бошланмоқда, десак, тўғри бўлади. Қанчалик қийин бўлмасин, бу босқичда карантин қоидаларига қатъий амал қилишимиз шарт.

Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта заҳиралардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этади.

Соҳани ривожлантириш молиявий кўмаксиз бўлмайди. Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев хизмат кўрсатиш лойиҳалари учун Тикланиш ва тараққий жамғармасидан 100 миллион доллар ёки 1 триллион сўмдан зиёд кредит ресурслари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Масалан, Сурхондарё вилоятида қарийб 2 минг нафар талаба педагогика йўналишларини битирмоқда. Айни пайтда Саросиё, Олтинсой ва Узун туманларидаги қишлоқ мактабларида ўқитувчилар тартибга солиш, ундаги методология ва статистика маълумотларини халқаро стандартларга мослаштириш вазифаси қўйилди.

Масалан, Сурхондарё вилоятида қарийб 2 минг нафар талаба педагогика йўналишларини битирмоқда. Айни пайтда Саросиё, Олтинсой ва Узун туманларидаги қишлоқ мактабларида ўқитувчилар тартибга солиш, ундаги методология ва статистика маълумотларини халқаро стандартларга мослаштириш вазифаси қўйилди.

Республика махсус комиссиясига ўз фаолиятини қайта бошлаётган қорхона ва ташкилотлар, бозор ва савдо мажмуаларида дезинфекция ишлари ҳамда санитария назоратини кучайтириш, оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ва меҳнат жамоалари орасида тушунтириш ишларини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда соҳа салоҳиятидан тўла фойдаланилаётгани таъкидланди. Жойларда маиший ускуналарни таъмирлаш устaxonалари, кимёвий тозалаш шохобчалари, компьютер дизайнерлиги, бухгалтерия, реклама, пуллик тиббий хизмат каби тадбиркорлик субъектлари камлиги кўрсатиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев бўйлиги битирувчиларни ўқиш ва ишга жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, 8 июнь куни Ўзбекистон Президентининг "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, соҳа мутасаддилари ва ҳокимлар ҳисобот берди.

ОЛИМНИНГ ЎЗ УЙИ БЎЛСА, ИЛМ ЙЎЛИДАН ЧАЛҒИМАЙДИ

Ўзбекистон илм-фанни ривожлантириш орқали муштақам ва барқарор тараққиётга эришиш йўлини танлади. Чунки илм-фанга етарли эътибор берилмаган, илмий изланишлар, инновациялар қўллаб-қувватланмаган мамлакат кўплаб соҳаларда орқада қолади.

Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб илм-фан ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлашга, илм аҳлини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Тошкентдаги Таллабалар шаҳарчаси ҳудудида 6 та 9 қаватли 216 хонадонга мўлжалланган уйнинг қурилиши ҳам одамлар бугунги кундан рози бўлиб яшаш керак, деган эзгу гоёнинг, халқимизнинг обод ва осуда ҳаётини таъминлаш йўлида олиб борилаётган изчил иш-

Янги қонун лойиҳаси

ХОРИЖИЙ ТАШУВЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Бугунги кунда юртимизда бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган юк ва (ёки) йўловчиларни ташишга мўлжалланган автотранспорт воситаларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Яъни мазкур автотранспортларда ташилаётган юкларнинг белгиланган миқдоридан кўпчилиги, хорижий ташувчилар томонидан юртимиз ҳудудида юк ташиш ҳолатлари учраётгани амалийда бир қатор муаммоларни келтириб чиқарапти. Ушбу ҳолатларни тартибга солиш учун қонунчилигимизда ҳуқуқий асослар ҳам мавжуд эмас.

Таҳлил ва таққос

СУРХОНДАРЁНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИЛДИ

Куни кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг видеоконференцалоқа тарзида мажлиси бўлиб ўтди. Уни парламент юқори палатаси Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қўллаб-қувватлаш муаммоларини ҳал этиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш муҳокама қилиниб, секторлар раҳбарларининг бу борадаги ишлари юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

4 трлн. 78 млрд. сўмни, ўсш суръатлари ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 107,1 фоизни ташкил этган. Вилоят иқтисодиётига молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1 трлн. 657,2 млрд. сўм миқдорига капитал қўйилмалар жалб қилиниб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 128 фоиз бажарилган.

Кайд этилганидек, шу йилнинг 8 — 10 июнь кунлари Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи томонидан вилоят секторлари раҳбарларига бириктирилган ҳудудлардан танлов асосида Бойсун, Шеробод, Музработ, Қумқўрғон туманлари секторлари фаолияти ўрганилди. Ўрганиш ишларига сенаторлар ҳам жалб қилиниб, жойларда аҳоли кайфиятига салбий таъсир этаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида туман Кенгашлари депутатлари билан бевоқиф мурожаатлар олиб борилди.

Ўз навбатида, жойларда секторлар томонидан аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, сайёр қабулларда кўтарилаётган масалалар ечимини топиш, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида эҳтиёжман оилаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб борилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир бойлиги аҳоли жон бошига даромадни кўпайтиришга хизмат қилиши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Фарғона вилояти: ЕРИ, РЕСУРСЛАРИ, ИМКОНИАТЛАРИ ЎЗИГА ХОС ҲУДУД

Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди менда... Водий томонларда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар билан танишган ҳар қандай одам Ҳамид Олимжоннинг ана шу мисраларини беихтиёр ёдга олиши табиий. Сўз юртимизнинг бўлганимиз — Фарғонанинг ҳозирги кундаги қиёфаси, у ерда бўлаётган ўзгаришлар, одамлардаги жўшқин кайфият, шижоат ва эртанги кунга бўлган ишончи кўнгилларда ажиб ҳисларни уйғотади...



Водийларни яёв кезганда...



Бугунги Фарғона кечаги Фарғона эмас. Давлатимиз раҳбарининг эътибори ва қўллаб-қувватлаши билан ушбу вилоят, том маънода, янги Ўзбекистоннинг янги Фарғонасига айланди, дейиш мумкин. Ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар натижалари бугун ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва одамлар турмушида ҳам кўзга яққол ташланмоқда.

